

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**Ўрозали Тошматов, ЎзДСМИ
профессори**

Аннотация: Ушбу мақолада номоддий маданий мерос тушунчаси, унинг моддий маданий меросдан фарқловчи хусусиятлари, Ўзбекистонда номоддий маданий меросни ўрганиш, тарғиб этиш ва таълим тизимида татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама этилади.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы связанные с понятием “нематериальное культурное наследие”, его отличительные свойства от понятия “материального культурного наследия”, процесс изучения, пропаганды нематериального культурного наследия, а также внедрения в образовательный процесс в Узбекистане.

Abstract: This article examines issues related to the concept of “intangible cultural heritage”, its distinctive properties from the concept of “tangible cultural heritage”, the process of studying, promoting intangible cultural heritage, as well as its introduction into the educational process in Uzbekistan.

Таянч иборалар: конвенция, маданий мерос, номоддий маданий мерос, репрезентатив рўйхат, ратификация, ансамбллар, номоддий маданий мерос соҳалари, билим ва кўникмалар, ҳамжамият, меросни ўзида сақловчилар, нодавлат-ноҳукумат ташиқлотлари.

Ключевые слова: конвенция, культурное наследие, нематериальное культурное наследие, репрезентативный список, ратификация, ансамбли, области нематериального культурного наследия, знания и навыки, сообщества, носители нематериального культурного наследия, негосударственные некоммерческие организации.

Keywords: *convention, cultural heritage, intangible cultural heritage, representative list, ratification, ensembles, domeins of intangible cultural heritage, knowledge and skills, communities, bearers of intangible cultural heritage, non-governmental non-profit organizations.*

Биз “маданий мерос” тушунчасини сўнгги йилларгача асосан моддий маданий меросга нисбатан кўллаб келганмиз. Шунинг учун маданий мерос объектлари деган сўз бирлиги тилимизга яхши ўрнашиб қолган. Бунга мисол сифатида 2001 йилда қабул қилинган ва 2003 йилда ўзгартиришлар киритилган қонуннинг (“Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни) номланишини кузатиш мумкин. Мазкур Қонуннинг мазмунида ҳам асосан моддий маданий мерос тўғрисида сўз кетади. У ерда номоддий маданий мерос билан боғлиқ фақат битта абзац бўлиб, унда халқ ижодиёти тўғрисида гап кетади ва халқ ижодиёти ўз ичига халқ оғзаки ижоди, мусиқа, рақс ва халқ томоша санъатини олиши таъкидланади, холос.

Муқаддам “номоддий маданий мерос” тушунчаси ўрнида анъанавий равишда “халқ ижодиёти”ни тушуниб келганмиз. “Халқ ижодиёти” тушунчаси остида эса рақс, мусиқа, томоша санъати, миллий ҳунармандчилик ва халқ оғзаки ижодиёти назарда тутилган. Конвенцияга асосан “номоддий маданий мерос” тушунчаси “халқ ижодиёти”га қараганда кўпроқ нарсани қамраб олади.

Аслида маданий мерос икки йўналишга эга бўлиб, бири моддий маданий мерос, иккинчиси эса номоддий маданий мерос эканлиги сўнгги йилларда қабул қилинаётган муҳим қарорлар ва дастурлар билан исботланмоқда.

Хўш, моддий маданий мерос билан номоддий маданий мероснинг қандай фарқи, чегараси ва ўзига хос хусусиятлари бор?

2003 йилда қабул қилинган “Номоддий маданий мерсонни муҳофаза қилиш Конвенцияси”нинг мамлакатимизда 2008 йилда ратификация қилиниши асносида 2009 йилнинг 9 октябрида эълон қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” ЎРҚ-228-сонли Қонунига асосан маданий мерос объектлари икки турга - моддий ва номоддий маданий мерос объектларига ажратилган.

Тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар моддий маданий мерос объектлари ҳисобланиб, бу объектларнинг барчасини кўз билан кўриш, қўл билан ушлаб кўриш, тасвирини суратга олиш имкони бор. Бундан фарқли равишда номоддий маданий меросни қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб ва суратга тушириб бўлмайди. Бу мерос ҳам тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлади. Уларнинг таркибига эса урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар киради.

Номоддий маданий мероснинг таърифи 2003 йилда қабул қилинган Конвенцияда ҳам худди шундай берилган. Унга асосан номоддий маданий мерос - ўзига хосликни ифодалаш шакллари, жамиятдаги урф-одатлар, билим ва кўникмалар, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни ўз ичига олади.

Бу мерос:

авлоддан-авлодга ўтказилиш;

муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилиш;

ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантириш;

инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиш хусусиятларига эга бўлиши лозим.

Номоддий маданий мерос ҳамжамиятлар, гуруҳлар, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинган бўлиши керак.

Мазкур Конвенцияда номоддий маданий мерос сифатида тан олинмаган унсурга нисбатан яна бир қатъий талаб қўйилади.

Унга кўра ҳоҳ маҳаллий, ҳоҳ миллий, ҳоҳ халқаро даражада бўлсин:

инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги халқаро ҳуқуқий актлар билан мувофиқлаштирилган;

турли ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва шахслар ўртасида ўзаро ҳурматни йўлга қўйиш талабларига мос келадиган;

барқарор ривожланиш талабларига мос тушувчи номоддий маданий меросгина эътиборга олинади.

Энди моддий ва номоддий маданий меросни фарқлашни янада соддарок тушунтириш учун уларнинг фарқловчи асосий хусусиятларига тўхталсак.

1 - фарқловчи хусусият.

Моддий маданий мерос ўз номи билан моддий, яъни уни қўл билан ушлаб кўриш, суратга олиш мумкин. Бундан фарқли равишда номоддий маданий меросни қўл билан ушлаб бўлмайди. Масалан, анъанавий хунармандчилик маҳсулотлари моддий меросга айланди. Лекин шу маҳсулотларни яшаш учун зарур бўладиган билим, тажриба аجدодлардан авлодларга оғзаки ва ёзма равишда етказилиб келинади. Ана шу билим ва тажриба номоддий маданий мерос ҳисобланади. Ёки мусиқа чолғуларининг ўзи моддий бўлсада, уларни ижро этиш, халқ куй ва кўшиқлари номоддий маданий меросдир.

2 - фарқловчи хусусият.

Моддий маданий мерос дастлаб қандай яратилган бўлса аслигини сақлаб қолиши шарт. Бошқача айтганда, унинг аутентлик хусусияти бор. Мисол учун, бирон бир тарихий бино маданий мерос объекти сифатида тан олинган бўлса, уни таъмирлаш жараёнида худди шу маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда аслига ўхшатилиши керак. Ёки, ЮНЕСКОнинг моддий ва табиий бойликлар рўйхатига киритилган объектлардан бири бўлган Хиванинг Ичан қалъаси мисолида шуни айтиш мумкинки, мазкур худудда истиқомат қиладиган аҳоли ўз уйларининг ташқи кўринишини қадимий(асл) кўринишда сақлаши шарт. Агар улар ўз уйларининг томига тунука ёки шифер ёпиб, деразаларини замонавий акфа ромларига алмаштириб, деворларини замонавий усулда сувоқ қилишса, аутентлик йўқолади ва ушбу объект тегишли рўйхатдан чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин. Ана шундай шартлар бажарилмаганлиги муносабати билан Шахрисабзнинг тарихий маркази мазкур рўйхатдан зудлик билан муҳофаза қилиниши лозим бўлган рўйхатга ўтказилган.

Моддий маданий меросга хос бўлган аутентлик (асликни сақлаш) номоддий маданий меросга умуман тўғри келмайди. Номоддий маданий мерос хаётга мослашиб бориши ва жамият хаётида мавжуд бўлиши шарт. Мисол сифатида тўй маросимларини оладиган бўлсак, бундан 20 ёки 30 йил муқаддам ўтказиладиган тўйлардан ҳозирги тўйлар анча фарқ қилади. Номоддий маданий меросга хос яна битта хусусиятни айтиб ўтамиз. Мутахассисларнинг фикрига кўра, номоддий маданий мерос сифатида тан олинadиган мерос камида уч авлод давридани ўтган бўлиши керак, деган ёзилмаган қоида ҳам бор.

3 - фарқловчи хусусият.

Моддий маданий мерос универсал хусусиятга эга бўлиши керак. Яъни, ушбу мерос барча инсонлар учун хайратланарли ва бир кўришда тан олинadиган бўлиши керак. Мисол учун Ҳиндистондаги Тожмаҳални, мамлакатимиздаги Самарқанд шаҳрининг, Бухоро шаҳрининг тарихий марказлари ёки Хивадаги Ичан қалъани томоша қилган ҳар қандай одам уларнинг гўзаллигини тан олади.

Номоддий маданий мероснинг эса бундай хусусияти йўқ. Номоддий маданий мерос кичик ҳудудда кам сонли кишиларнинг номоддий маданий мероси сифатида тан олинган бўлса ҳам, бўлаверади. Мисол учун, 2014 йилда Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига киритилган “Аския - сўзамоллик санъати” нафақат бошқа миллат ва мамлакатларда яшайдиганлар учун, ҳатто мамлакатимизнинг Хоразм, Бухоро, Қорақалпоғистон каби ҳудудларида яшайдиган ўзбеклар учун ҳам катта аҳамият касб этмайдиган бўлиши мумкин.

Ёки, Тожикистон биргаликда Репрезентатив рўйхатга киритилган “Шашмақом мусиқаси” ҳам бошқа миллатлар учун унчалик аҳамият касб этмас. Шунга қарамасдан бу мерослар номоддий маданий мерос сифатида тан олинган ва Репрезентатив рўйхатдан жой олган.

Жамиятнинг ривожланиш суръати унинг ташқи муҳит, яъни бошқа жамиятлар билан алоқаларнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги, иқтисодий ва ижтимоий алмашувларининг самараси билан бевосита боғлиқ бўлади. Бирон бир жамият ёпиқ ҳолда кескин ўсиш суръатларига эришиши мумкин эмас. Агар бу мумкин бўлганда Амазонка дарёси бўйидаги ўрмонларда топилаётган ибтидоий қабилалар бошқа очиқ жамиятлардан кўра ривожланиб кетганлигини кузатиш мумкин бўлар эди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш, улар эришган ютуқларга суянган ҳолда ривожланишнинг янги йўллари ҳаётга татбиқ этишда ўзаро алоқалар жуда катта аҳамиятга эга. Бу ҳодиса, бошқача қилиб айтганда глобаллашув жараёни, ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиш учун хизмат қилса-да, алоҳида олинган жамиятларнинг ўзлигини намоён қилиш элементларидан кечиши ҳисобига бўлади. Чунки, ривожланган жамият иқтисодиёти билан бирга у ердаги яшаш тарзи, маданият ва маънавий ҳам бошқа жамиятга кириб келади. Баъзан ривожланган жамиятнинг “илғор” маданияти нисбатан кам ривожланган жамиятнинг “қолоқ” маданиятидан кўра паст савияда бўлса-да, ёш авлод томонидан мода сифатида қабул қилиниши ва бу орқали аслида ўта инсоний бўлган маданиятнинг айрим элементлари бутунлай йўқотилишига олиб келиши мумкин.

Глобаллашув жараёнидаги моддий ўзгаришлар билан бир қаторда маънавий соҳада юз бераётган йўқотишлар кўп вақтдан буён дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган бўлса-да, дунё миқёсида бундай

йўқотишларнинг олдини олиш ва тегишли чоралар кўриш масаласига алоҳида эътибор фақатгина ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланди.

Бу йўналишдаги ҳаракатларнинг бошланиши Японияда 1950 йилда муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши билан боғлиқ. Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган, Херосима ва Нагасаки шаҳарларининг атом бомбаси воситасида таг-туғи билан вайрон этилишидан кейинги даврда мамлакатни оёққа турғазини, халқни ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан янги мақсадларга сафарбар этишда энг муҳим восита сифатида аجدодлардан авлодларга узатилиб келинаётган миллий қадриятлар ва анъаналар танланди ва бу ғоя халқни яна бирлаштира олди. 1962 йилда Корея Республикасида ҳам шу йўналишда махсус маданий дастур қабул қилиниб, миллий маънавий ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш ишлари бошланди. Бошқа давлатларда ҳам турли йўллар билан ўз миллий маданиятини сақлаш чоралари кўрила бошланди. Маънавий қашшоқлашув, “стандарт маданият” ёйилишининг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, таълим ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан янги бир жараён бошланди ва бу жараён ҳар бир миллат, халқ, жамиятнинг ўзлигини ифодаловчи, шу билан бир қаторда бошқаларни камситиш ёки тан олмаслик хусусиятларидан ҳоли бўлган маънавий бойликларини асраш ва келажак авлодга етказишни мақсад қилиб олди. Шундай қилиб, турли халқларда турлича номланадиган, аслида эса ўзликни намоён қилиш шакллари, усуллари билан боғлиқ билим, тажриба ва кўникмалар “номоддий маданий мерос” ибораси билан ифодалана бошланди.

Дунё миқёсида номоддий маданий мерос ва унинг муҳофазаси масалалари ЮНЕСКОнинг 1989 йилдаги “Анъанавий маданият ва фольклорни

муҳофаза қилиш” бўйича Тавсияларидан бошланди. 1994 йилдан миллий тизимлар (давлатлар) томонидан номоддий маданий меросни ўзида сақловчи ва бошқаларга етказувчиларнинг расман тан олишини ва улар томонидан ушбу мероснинг келгуси авлодга етказилишига кўмаклашиш мақсадида “Инсониятнинг яшовчи (тирик) дурдоналари” Дастури бошланди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида экспертлар хулосаси асосида мавжуд номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича кескин, қатъий чоралар кўриш лозимлиги аниқланди ва ушбу йўналишдаги ишлар янада жадаллаштирилди. Бунинг натижасида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2001 йилда бўлиб ўтган 31-сессиясида янги халқаро норматив механизм вазифасини ўтовчи Конвенция яратиш режалаштирилди. Шундай қилиб, ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2003 йил 17 октябрдаги 32-сессияда “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” Конвенцияси қабул қилинди.

Мазкур Конвенция Ўзбекистонда ҳам ратификация қилиниб, янги қонун ва Давлат дастури қабул қилинди. Номоддий маданий мерос бўйича хабардорликни оширишда расмий ва норасмий таълим энг асосий ролни ўйнайди. Ҳозирги таълим тизимимизда номоддий маданий мерос тўғрисида тушунчалар маълум миқдорда ўзлаштирилади, бироқ номоддий маданий мерос тўғрисида тўлақонли маълумот олиш анча қийин. Бу ерда гап номоддий маданий меросни тизимли ўрганиш тўғрисида кетмоқда.

Бизнинг фикримизча, номоддий маданий меросни расмий таълим тизимига татбиқ этиш икки йўл билан олиб борилиши мумкин.

Биринчиси, тегишли таълим босқичида ўқитиладиган фанларга номоддий маданий мерос тўғрисидаги тушунчаларни сингдириш (бунда ушбу фанда ўқитиладиган мавзуларни тушунчалар билан бойитиш ёки номоддий маданий меросга оид янги мавзуларни киритиш йўлидан борилади).

Иккинчиси, келажакдаги фаолияти номоддий маданий мерос муҳофазаси ва тарғиботи билан боғлиқ йўналишларда (тахсил олаётган ўқувчи ва талабалар учун) номоддий маданий меросни алоҳида фан сифатида таълим жараёнига татбиқ этиш.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Халқ ижодиёти” таълим йўналиши битирувчиларининг келгуси фаолияти бевосита номоддий маданий меросни ўзлаштириш ва тарғиб этиш билан боғлиқлиги сабабидан ушбу таълим йўналиши ихтисосликларида 2013 йилдан буён “Ўзбекистон номоддий маданий мероси” фани киритилган, мазкур институт қошидаги Олий таълим муассасалари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ марказида “Номоддий маданий мерос ва барқарор тараққиёт” модули ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига татбиқ этилган.

Номоддий маданий мероснинг муҳофазаси, хусусан, унинг халқаро миқёсда тарғиботи йўналишида ҳам жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда номоддий маданий мерос билан боғлиқ 10 дан ортиқ халқаро танлов ва фестиваллар ўтказилмоқда. Сурхондарёда “Бойсун баҳори”, Самарқандда “Шарқ тароналари”, Жиззахда “Миллий халқ ўйинлари”, Наманганда “Гул байрами”, Бухорода “Ипак ва зираворлар” каби фестиваллар муқаддам ўтказиб келинган бўлса, кейинги йилларда Марғилон шаҳрида “Атлас байрами”, “Буюк Ипак Йўли” номли фольклор мусиқа фестиваллари, Қўқон шаҳрида “Халқаро хунармандчилик фестивали”, Шаҳрисабзда “Халқаро мақом анжумани”, Термиз, Нукус ва Гулистон шаҳарларида “Халқаро бахши санъати фестивали”, Тошкент шаҳрида “Халқаро пазандачилик фестивали”, Нурота туманида “Нурли наволар” номли

фольклор жамоалари фестивали, Қорақалпоғистонда “Балиқдан 100 хил таом” кулинария фестивали, Қўқон шаҳрида “Халқаро ҳунармандчилик фестивали” ўтказилиши йўлга қўйилди.

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция қабул қилиниши муносабати билан муқаддам мавжуд бўлган “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари рўйхати”га Ўзбекистондан киритилган номоддий маданий мерос объектлари (“Бойсун тумани маданий муҳити” ва “Шашмақом”) 2008 йилда “Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхати”га ўтказилди.

Ушбу рўйхатга:

- 2009 йилда “Катта ашула”;
- 2014 йили “Аския - сўзамоллик санъати”;
- 2016 йилда “Палов маданияти ва анъаналари” ва “Наврўз” (бошқа 11 та давлат билан биргаликда);
- 2019 йилда “Хоразм рақси – Лазги”;
- 2020 йилда “Миниатюра санъати” (Туркия, Озарбайжон ва Эрон билан биргаликда);
- 2021 йилда “Бахши санъати”;
- 2022 йилда “Афанди латифалари” (Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Туркия, Тожикистон, Туркменистон билан биргаликда) ва “Ипакчилик ва тўқувчилик учун анъанавий ипак ишлаб чиқариш” (Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон билан биргаликда);

- 2023 йилда “Ўзбекистон кулолчилик санъати”, “Наққошлик санъати” (Озарбайжон, Эрон, Туркия, Тожикистон билан биргаликда), “Ифтор ва у билан боғлиқ ижтимоий маданий анъаналар” (Озарбайжон, Эрон ва Туркия билан биргаликда) киритилди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунгача Репрезентатив рўйхатга Ўзбекистон билан боғлиқ 7 та миллий ва 7 та халқаро (бошқа давлатлар билан биргаликдаги) номоддий маданий мерос киритилган.

Ўзбекистон номоддий маданий мероси намуналарини нафақат ЮНЕСКО рўйхатларига, балки унинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Илғор тажрибалар реестрига киритиш бўйича ҳам ишлар изчил амалга оширилмоқда. Шу мақсадда 2016 йилда “Марғилон ҳунармандчилик марказининг атлас ва адрас матоларини тайёрлашда анъанавий услублардан фойдаланиш тажрибаси” мазкур Реестрга Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи номзод сифатида қабул қилинди.

Номоддий маданий мерос йўналишида фаолият юритадиган нодавлат ноижорат ташкилотларининг сони ортиб, борган сари уларнинг миллий ва халқаро лойиҳалардаги иштироки ортиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ошпазлар ассоциациясининг ташаббуси билан “Палов маданияти ва анъаналари”, Халқаро “Олтин мерос” жамғармасининг ташаббуси билан “Хоразм рақси Лазги”, “Ҳунармандлар уюшмаси” ташаббуси билан “Ўзбекистон кулолчилик санъати” ва “Наққошлик санъати” номзодномалари тайёрланиб, Репрезентатив рўйхатга киритилган бўлса, “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғиботи Маркази ташаббуси билан “Марказий Осиё каштачилиги” номзодномаси шу рўйхатга киритиш учун тайёрланмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда номоддий маданий мероснинг аҳволини ўрганиш, тарғиб этиш ва муҳофаза ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Маданият соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.
2. List of Intangible Cultural Heritage in Need of Urgent Safeguarding. UNESCO, 2009.
3. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, 2022, Paris.
4. Ў.Тошматов, Н.Исакулова. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (монография). Тошкент, 2015 й.
5. Ў.Тошматов ва бошқалар. Табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф одатлар (монография). Тошкент 2017 й.
6. Основные тексты Международной конвенции об охране нематериального культурного наследия. ЮНЕСКО, 2022 г.